

ТАШУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу оммавий оферта (кейинги ўринларда - Оферта) «NEO INSURANCE CORP» Акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Суғурталовчи) билан суғурта қилдирувчи ўртасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда - ТФЖМСК) бўйича Е-полисни (электрон полисни) онлайн расмийлаштириш (шартнома тузиш ва бекор қилиш) тартиблари ва суғурталаш шартларини белгилайди.

Мазкур оферта Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Электрон тижорат тўғрисида» ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 780-сонли қарори билан тасдиқланган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича Е-полисни сотиш, расмийлаштириш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш» қоидалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 сентябрдаги 266-сонли қарори билан тасдиқланган «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

1. УМУМИЙ ШАРТЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1.1. Суғурталовчи ушбу Офертада ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 сентябрдаги 266-сон қарори билан тасдиқланган Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларига мувофиқ, суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда ташувчига, жабирланувчига ёхуд наф олувчига йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини олади

1.2. Ушбу офертада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

1.2.1. Суғурталовчи – Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлигининг лицензияси асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «NEO INSURANCE CORP» АЖ.

1.2.2. Суғурта қилдирувчи – суғурталовчи билан Оферта шартларида суғурта қилиш шартномасини тузган Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтган юридик ёки жисмоний шахслар.

1.2.3. Суғурта объекти – мазкур Оферта амал қилиши даврида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келганлигининг белгиланган тартибда тасдиқланган факти.

1.2.4. Суғурта ҳодисаси - Офертанинг амал қилиши даврида йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун ташувчининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келганлигининг белгиланган тартибда тасдиқланган факти.

2. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

2.1. Ушбу оферата суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушган кундан кучга киради ва бир йил мобайнида амал қилади.

Суғурталовчининг мажбуриятлари суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган кундан кейинги кундаги 00 соат 00 дақиқадан бошлаб кучга киради ва мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган суғурта даврининг охиригача санасидаги 24 соат 00 дақиқада тугайди.

2.2. Суғурта мукофоти ташувчи томонидан суғурталовчининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўланади. Пул маблағларининг суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган санаси мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ташувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Суғурталовчидан мазкур Оферта шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;
- Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан шикоят қилиш.

Ташувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин..

3.2. Ташувчининг мажбуриятлари:

- мазкур Оферта бўйича суғурта мукофотини қонунчиликда белгиланган шартлар асосида ва тартибда тўлаши;

- Ташувчининг транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларни мазкур Оферта шартлари билан таништириши, шу жумладан, мазкур Оферта бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

- ташиш кунда амалда бўлган ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисининг ўзи тасдиқлаган нусхасини ўзи фойдаланаётган барча транспорт воситаларига ва (ёки) ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириши;

- жабрланувчи ёки наф олувчи етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабни ўз ичига олган талабнома билан мурожаат этган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай Суғурталовчини ташиш чоғидаги ҳодиса ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиши;

- агар суғурта товони жабрланувчи ёки наф олувчи томонидан ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача тарзда алдаш оқибатида асоссиз равишда ортиқча тўланган бўлса, бу ҳақда Суғурталовчига маълум қилиши ва ортиқча тўланган маблағларни суғурталовчига қайтариш юзасидан зарур чораларни кўриши шарт.

Ташувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олади.

3.3. Суғурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- жабрланувчининг ёки наф олувчининг талабномасини Ташувчи томонидан кўриб чиқишда иштирок этиш, зарур ҳолларда эса тегишли экспертларни жалб этиш;

- суғурта ҳодисалари юзага келишининг олдини олиш бўйича тавсиялар бериш;

- Ташувчига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил «15» сентябрдаги 266-сон қарори билан тасдиқланган Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 55-бандида белгиланган ҳолларда регресс талаби қўйиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

- ушбу Оферта шартлари билан Ташувчини таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

- ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган Ташувчи ва жабрланувчи ёки наф олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

Суғурталовчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар мажбурий суғурта қилиш офертаси бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу офертадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.